

...Асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани оғоҳликка чақириш, мавжуд ҳаф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Биз дин бундан буюн ҳам аҳолини олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий мерослардан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодий ва қонуношусликка аралашш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг ҳавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий ҳаф-хатар деб ҳисоблаймиз...».

Диёримизда охириги йилларда олиб борилаётган маънавий қадриятларни тиклаш борасидаги бунёдкорлик ишлариға бир назар ташлайлик: Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлиги, Имом ал-Бухорий халқаро жағмараси, Тошкент ислом университетидаги таълим тилиши, радио ва телевидениедан олиб борилаётган ахлоқий мавзудаги курсатувлар республика раҳбариятининг келажағи буюк давлат қуриш йўлида исломий қадриятларнинг аҳамиятини тўғри тушуна билишдан далолат эмасми?

Халқимизда «подшоҳ амри вожиб» деган нақл бор. Ислом таълимоти бўйича вожиб — фарға яқин, суннатдан юқори турувчи амалдир. Демак, ислом дини ғоялари, таълимотини атрофича ва чуқур англаб, исломий маънавиятимизни қадрловчи Президентнинг фармонлари сўзсиз баҳарлиши керак эмасми?

Боз устиға, Қуръони Каримнинг 42-Шуро сураси 11(13) оятда шундай дейилади: «Эй мўминлар, (Аллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нухға буюрган нарсани бизға ва сизға (яъни Мухаммадға) ваҳий қилган нарсани — шариат — (қонун) — қилди. Динни барпо қилинлар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманлар!» (Қуръони Карим, ўзбекча изоҳли таржима, Т., 1992 й.). Мусулмончилик, халифалик тузуми ҳақида кўракка уриб, аюханнос солувчи, аслида эса давлат тегасига келишни мақсад қилган Қуръон амриға қарши бориб, турли диний-сиёсий таъкилот — гуруҳлар тузган кимсаларни чин мусулмон деб бўлармикан?

Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш шунки кўрсатдики, ислом динини илм даражасига кўтарган юртимиз олимлари: Бурхониддин Марғилонийнинг «Хидоя»-си, Махмуд аз-Замашарийнинг араб тили грамматикасига оид рисоалари, ҳадис илмининг султонлиги Имом Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухо-

(Давоми. Боши газетанинг 46,47,48,49,50,51,52,53-сонларида)

рийнинг асарлари. Ва яна кўпгина буюк асарлар. Хуллас, диёримиз жаҳон цивилизациясида ўзининг муносиб ўрниға эгаки, юқорида зикр этилган асарлар бутун жаҳон маънавиятиға айланди. Асарлар оша маънавий қувват олиб келинаётган қадриятларимиздан бир ҳовуч бузғунчиларнинг гайриисломий, гайринисоний ғоялари деб

ОҒОҲЛИК — МУҚАДДАС БУРЧ

юз ўғирмаймиз, албатта.

Юртбошимиз айтганларидек, дин бизнинг қон-қонимизға, онгу шуғримизға шу қадар тегаран синигиб кетганки, уни ҳеч қандай қуш, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дини диниётимизни муҳтасар ифодадан айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юртимизда.

Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг бекарорлиғи баъзи чет эл давлатларининг махсус хизматлари ва мамлакат ичкарисидаги экстремистик унсурларнинг таҳовуз объектларидан биридир. Шу сабабдан, Республикадаги вазиятни содда ҳалқи авраш ва қалғитиш орқали миллатлараро моҳароларни сунъий равишда вужудга келтириш, сепаратистик маъмулдаги ғояларни тарқатиш ҳамда юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва қилларни ўртасидаги дўстликка раҳна солиш йўли билан мамлакатимиздаги вазиятни бекарорлаштиришға уриниш Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлиғиға таҳдид солувчи потенциал ва реал манбалардан бири эканлигини ҳисобға олмай бўлмайди, албатта.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, кўп миллатли давлатда этик гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар миллий ҳавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан

омиллардан бири эканлиғи аниқ бўла бошлайди.

Статистика кўрсатганидек, ички миллатлараро низолар натижасида давлатлар ўртасидаги уруш давриға нисбатан кўпроқ кишилар ҳалок бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги вақтлардаги давлатлараро низоға йиғирмадан зиёд ички қуролли тўқнашув тўғри келмоқда. БМТ таърифи бўйича, унда ўлдирилган ва ярадор бўлганлар сони 1000 кишидан кам бўлмаган тўқнашувлар қуролли саналади.

Ҳинд олими Кумар Руценсинхнинг маълумотларига қараганда, жаҳонда миллатлараро низолар натижасида 60 млн. қочоқ ҳамда 20 млн.ға яқин мамлакат ичкарисида ўз манзиллини ташлаб кетганлар мавжуддир. БМТнинг қочоқ-

лар бўйича Комиссиянинг экспертларининг фикрича, 2000 йилға бориб ички низолар туғайли уларнинг сони камиде 100 млн. кишиға етади. Мамлакат ичкарисидаги мажбурий қўчишлар миқёси кенгайди.

Миллатлараро низолар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг бекарорлашувиға, кўп сонли жонли талафотға ва байронгарчиликка олиб келади.

Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрича Россия ва МДХ ҳудудиде содир этилган қуролли тўқнашувлар натижасида 100 миңдан ортиқ киши нобуд бўлган. Потенциал ёки очик-равшан иқтисодий танглик ҳўкм сўрган 100 дан ортиқ минтақа мавжуд бўлиб, улардан 90 таси элатлараро ва давлатлараро муносабатларнинг тўғри ҳал этилмаганлиғи билан боғлиқ. Уларнинг фикриға кўра, соёик СССР ҳудудиде яқин келажақда 80-85 қуролли тўқнашув вужудға келиши мумкин.

Маълумки, соёик СССРда низолар ҳал этилмай, етти қулф ортиға яширилар, кўзға кўринмас ҳолда тобора йиғила борар ва чуқурлашарди. Турғунлик йиллари «низоиозлик назарияси» ҳўкм сўрар, кескин ижтимоий зиддиятлар ва миллатлараро муносабатларда мавжуд бўлган моҳароларни ўрганиш ҳамда таҳлил этишни тақилларди. Муаммолар мавжуд бўлса ҳам, раҳбарият ўзини уларни кўрмаганликка солар эди.

Шунинг билан бирға иҳтиёрий ёки иҳтисорс равишда назорат қилиб бўлмайдиған ноконституционий жараёнларнинг ривожланиши рағбатлантириллар эди. Бунға миллатлараро муносабатларнинг соёик иттифқодш республикалардаги иқтисодий тараққийётнинг номуносивлиғи, баъзиларининг фақатгина хом ашё базасиға ва баъзиларининг эса сонаот марказларига айланганлиғи, миллий мактаблар сонининг кам бўлганлиғи, иш юритишининг ҳамма ерда рус тилида олиб борилганлиғи, баъзи бир миллий урф-одат, расм-русум ва аъаналар ўтказилишининг ман этилганлиғи каби миллатлараро муносабатларда мавжуд бўлган салбий жиҳатларни киришти мумкин. Аҳолининг миллатлараро муомала маданиятини шакллантиришға етарли эътибор берилмаганлиғи, зиддиятли вазиятларнинг юзға келиши ҳамда Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг ўзига хос маънавий оламни унуттишға олиб келар эди.

Ўтмишдан фарқли ўлароқ сиёсий ўзгаришлар тизимининг тадбиркорлиғи, ошқорлиғи, воқеликка бўйлиғи туғайли Ўзбекистонда умуминсоний, умум-миллий тотувлик ва бирдамликка эришилмоқда.

Миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири миллатчилик ва шовинизмдир. Миллатчилик бошқа халқларни менсимаслик, уларға нисбатан мурасизлик ва ишонсизликда намўён бўлиб, кўп миллатли бошқа миллатдан устун қўйиш психологияси ва ғояси, фикри ва сиёсати, ўз миллатини юқори қўйиш, миллий адоват ва иркй нафрат уруғини соёишлар. Қатор ҳолларда миллатчилик диний замин, «Диний афзаллик»ларға эгадир.

Миллатчиликни Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлиғиға солинаётган таҳдидлардан бири сифатида баҳолар экан, мамлакатимиз Президентини И. А. Каримов, ўзларининг шахсий сиёсий ва бошқа мақсадларида «миллатчилик ўйинини» ўйнашға интилаётган, сиёсий донолик ва соғлом ақл тушунчаларидан йироқ бўлган қушлар одамларнинг кейинчилик жанғари тажовузорликка айланувчи ички ҳис-туғуларининг юқори сафарбарлиғиға ишондилар, деб таъкидлайди.

Миллатчиликнинг яна бир ҳавфи шундаки, у улўз давлатчилик шовинизм ва фашизмға айланишға мойил бўлган сиёсий мутаассиблик учун керакли замин бўлади. Албатта, унинг қарама-қарши томони ҳам мавжуддир. Америкалик олим Френсис Фукияманинг фикрича, жаҳондаги миллатчилик ҳаракатларининг ақарияти сиёсий дастурға эга бўлмай, тақилотларнинг аниқ бир ижтимоий-иқтисодий режасини, олға сўрмаган ҳолда қандайдир бир гуруҳ кишилардан ажралаб, мустақил бўлишға салбий руҳдаги интилиш билан келкеландилар.

Одил РАХМАТОВ.
(Охири газетанинг кейинги сониде).

ШАРҚ

ДУРДОЧЛАРИ

03-03 ЎРТАНҚИ ДОМО БУЛУР...

● ХИКОЯТ. Ўзини ҳоқисор олиб юрвчи, бойлиқни менсимовчи, доимо илм кетидан қувган бир киши бор эди. Қунарларда бирида у бир олимнинг шухратини эшитиб, зиёратига бормоқчи бўлди. Қўлида ҳеч нарсаси бўлмагани учун йўлда бир оз райхоншоҳни топиб туҳфа сифатида олим олдиға қўйди, тиз чўкиб қўлидан ўпди. Олим унинг саломига алик олмади ва эътибор ҳам бермади. Илм толибининг дили огриди, бир чеккаға бориб индамай ўтираверди ва ўзига-ўзи деди: «Бу олим ўз илмиға мағрурлини кетибди. Ўзинг ўтирайки, қани нима бўлар экан, шунға қараб иш тутаман!» У шундай ҳаёл билан ўтирар экан ногоҳ эшик очилиб башанг кийинган бир киши кириб келди. Орқасидан эса турғун қўтарган хизматкори намўён бўлди. Олим иргиб ўрнидан турди, саломига алик олди, икки қўлидан тутиб тўрға ўтказди. Ғулум қўлидаги тугунни олим қўлиға берди. Олим:

— Хуш келибсиз, сизни кўришдан беҳад хурсандман! — деб, меҳмондорчиликнинг бутун қонун қоидасини жойиға қўйиб, зиёфат қилди. Сўнг барча шогирдлари китобларини қўтариб келиб, унинг атрофиға ўтиришди. Ҳалиғи бой билан олим орасида суҳбат қилиб бораркан, илм толиби бўлмиш ҳоқисор киши ўзига-ўзи: «Бу олим ҳақиқатан ҳам беадаб экан, уни боллаш пайти келди», — деди-да ўрнидан туриб, олимнинг рўбарўсига ўтирди ва унга деди:

— Эй олим киши, мушкул бир масалаға жавоб берсангиз!

Олим ундан:

— Нима экан? — деб сўради.

Илм толиби унга деди:

— Эй мавлоно, сиз бугун илму-фаъл даъво қилмоқдасиз. Айтингчи, сизнинг фикрингизча салом неча қўли бўлади?

Олим:

— Салом бир хил бўлади, салом-алик қилиш барча кишиларға вожибдир! — деди.

Илм толиби унга:

— Йўқ, сизнинг назоратингизда салом икки хил бўлади. Сиз ўзингизнинг гапингизға ўзингиз қарши чикмоқдасиз! — деди.

Олим унга ўқрайиб:

— Бу гапларни қаердан олдинг? — деди.

Илм толиби давом этди:

— Сиз салом-аликда бой билан камбағал орасида фарқ бор деб биласиз. Мен бундан бир неча дақиқа илғари олдингизға келиб салом бердим. Қўлимда ҳеч нарса йўқлиғини кўриб, алик олмадингиз. Бироз ўтмай ёнингизда ўтирган бадавлат киши кириб келди, хизматкорнинг қўлидаги тугунни кўрдигиз, саломига алик олдингиз, ўрнингиздан туриб, тўрға ўтказдингиз. Бу билан салом бир хил бўлади, салом-алик барчаға вожиб деган сўзингизға қарши чикдингиз! Донолар китобида: «Биров сизға салом берса, унинг саломидан кўра яхшироқ қилиб алик олинг» дейилмаганми, ахир! Сиз илмини бойлик топиш учун унуттишға экансиз. Биздек бечораларни шунинг учун ҳам хор тутдингиз!

Ўтирганлар илм толибининг гаплари ҳақ эканини тасдиқлаб, бош қимирлатдилар. Илм толиби гапини давом эттириб деди:

— Инсон учун меҳмондан азизроқ нарса йўқ. Мен сизнинг уйингизға меҳмон сифатида келдим. Сиз инсонлар оdatини ҳам поймол қилдингиз. Меҳмонни ҳурматлаш ўрниға, саломига алик олишни ҳам лозим кўрмадингиз! Китобларда: «Ҳар ким меҳмонни эъзозламаса, у одам эмас», — дейилган. Яна бир ерда: «Меҳмонға очик юз ва ширин сўз бўлиш юз йиллик тоат-ибодатдан ахшидир», дейилган. Сиз илмингизға мағрурланиб, ён-атрофингизға ҳар хил китоблар йиғиб, бойлик тўплаш йўлиға кирибсиз! Ён верингизға шунча китобни йиғиб олиб, аммо ундаги ёзилган нарсаларға амал қилмасангиз, бундан нима наф?!

Илм толибининг гапларини эшитган одамлар унга офарин айтдилар. Олим эса қизарганча ўтирар, нима дейишни билмас эди. Сўнг гўлдираб:

— Эй биродар, нега менга шунча ёпишиб олдинг, ахир мен нима гуноҳ қилдим? — деди.

Илм толиби деди:

— Сизни илмиға амал қилмаган десам, гап ҳам тушунмайдиган киши экансиз. Шунча гапирган гапим ва келтирган далилларим ҳам сизға таъсир қилмапти, барча китобларда фақир ва бечора кишиларға қўмак қилинг, толиби илмларни ҳурмат қилинг дейилади. Сиз бунинг аксини қилдингиз. Ёнингизда ўтирган бойни эъзозладингиз. Биз бечора ва ҳеч нарсасиз кишиларни хор тутдингиз. Илм сиздек кишиға хайфдир.

Унинг гаплари ҳақ эканини англаган, илмни бойлик топиш асоси қилиб олган олим мулзам бўлиб қолғач, уэр сўрашдан ўзға чораси қолмади ва хато қилганиға иқрор бўлди. Илм толиби эса бундай кишидан илм ўрганиш номуносиви деб ўз йўлиға равона бўлди.

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Маълумки, дунёдаги энг қийин иш, энг қийин кечадиган жараён бу инсон мафкурасини ўзгартиришдир. Ўшбу жараён баъзи ҳолларда ўн йиллар мобайнида кечади. Шунға қарамай, мустақиллик йилларида миллий мафкура, миллий ғоя бўйича жуда кенг қўламли ишлар қилинди. Энг асосийси шуки, кишиларимиз ўзлиқни англаб ета бошладилар. Улар ўз тарихий, аждодлари, уларнинг бой мероси, миллий қадриятларимиз билан том маънода фахрланиш ҳиссини туя бошладилар. Ўшбу жараёнға эса республикамизнинг кўзға кўринган жамятшунос, файласуф, тарихчи, адабиётшунос олимлари ўзларининг салмоқли илмий-оммабоп асарлари билан катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совридорли, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермухамедов ана шундай иқтидорли, заҳматкаш, қатъий, шогирдларига меҳрибон олимларимиздандир.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатган, ундаги илмиға бўлган қаноқчиликни сезган университет доимлари аспирантурада қолиб ўқиниш тақлиф қилинди. Булажақ олимнинг илмий салоҳияти, илмий-тадқиқот ишлариға қизқиқчи талабалик билларидеёк намўён бўлган эди.

Илмий фаолиятини 1957 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини фалсафа ва ҳуқуқ бўлимининг киши илмий ҳодими сифатида бошлаган С. Шермухамедов сал ўтмай «Ўзбек халқи миллий маданияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш» бағишланган номзодлик диссертациясини ёқлади. Ва сертациясини ривожлантириш, миллий маданиятлар тарихи, миллий маданиятлар тарихи, миллий маданиятлар тарихи, миллий маданиятлар тарихи боийтиши каби илмий муаммолар доиманинг тадқиқот масаласига айланди.

Олим фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий қотиб, сўнгра директор ўринбосари, этика ва эстетика шўбасининг мудирли вазибаларида

Унинг бундай салоҳияти Ўзбекистон Республикаси маориф вазири лавозимиде ишлаган кезларида айниқса ёрқин намўён бўлди.

Фанимиз заҳматкашлари

МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ

ишлар экан, республикамизда фалсафа фанини ривожлантириш, маъзур соҳа бўйича малакали мутахассислар етиштириш, Ўзбекистон зиёлиларининг эстетик ва этик қадриятларини тараққий эттиришға унинг муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

Тез орада домладаги бўлган олимлик истеъдоди, таъкилотчилик қобилияти, воқеликни олдиндан кўра билиш ва унга ўз муносабатини билдириш салоҳияти боисидан уни масъул вазибаларда ишлашға тақлиф қилинди. Ёш бўлишға қарамай, Саид Шермухамедов ўшбу лавозимларда сидқиқ дилдан, ўз соҳасининг етук мутахассис сифатида халқимиз маданиятини ривожлантириш, маданият масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида жонбақлиб курсатиб меҳнат қилди.

Миллий маданиятлар равнақи ва ўзаро яқинлашуви татқиқ этишға бағишланган докторлик диссертациясини елағандан сўнг орадан олти йил ўтган, профессор унинг ишонин олган Саид Шермухамедов Франция, Япония, Кения, Мексика, Канада, Польша, Хиндистон, Миср, Сингапур, Корея каби унлаб хорижий мамлакатларда бўлиб, республикамизнинг иқтисодиёт, маданият, маориф ва фан соҳаларидаги ютуқларини тарғиб-таъшиқ қилишда фаол иштирок этиш билан бирға «Маданият ва цивилизация», «Маориф ва маданият», «Ислом ва шарқ фалсафаси», «Аёллар ва маданият» мавзуларда маърузалари билан чет элларда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлар, Жаҳон файласуфлар Конгресси ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

муаллифидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, домланинг илмий-тадқиқот мавзуси янада кенгайди. Энди миллийлик ва миллий маданият, миллий ўз-ўзини англаш, миллий онг, миллий қадриятлар ва мерос, миллий гуруҳ ва миллий ифтихор тўғрисида баралла, тўлиб-тошиб ёзи имкони туғилди. Ана шу шартонда профессор С. Шермухамедов мустақиллик мафкураси, миллатлараро муносабатларға бағишланган қатор рисола ва мақолаларини нашр этди. «Фалсафа фани англоанишнинг баъзи муаммолари», «Мустақиллик — буюк неъмат», «Маънавият», «Комусий олим», «Биз қандай жамят кўрмоқдамиз?», ҳаммуаллифликда яратилган «Ижтимоий тараққий ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири», «Маданият ва цивилизация» каби рисола-

лар олимнинг мустақиллик йилларидаги мушоадалари махсусдир. Профессор Саид Шермухамедовнинг илмий излаишлари кенг жамоатчилик томонидан тан олиниб, эътироф этиб келинмоқда. Домланинг «Ўзбекистон Республикасида яқин жамятининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (фалсафий-услубий жиҳатлари)» лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси фундаментал тадқиқотлар танловининг қолиб деб топилиб, унга ўшбу жағмарға гранти берилди.

Олим юқори малакали илмий-педагогик қадрлар тайёрлашға ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлиғида ўнға яқин докторлик ва элликдан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Истеъдодли олим ёшларнинг меҳрибон, гамхўр ва талабчан устози сифатида олтимишдан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилган. Ҳозирги кунда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети фалсафа кафедрасининг мудирли сифатида ўзининг кенг қамровли илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятини давом эттираётган, Ўзбекистонда фалсафа фанининг ривожини ўзининг муносиб улўшишни қўшиб келатган, илмий мактаб яратган йирик олим, иқтидорли тадқиқотчи, меҳрибон мурабий, аjoyиб инсон Саид Шермухамедовға ҳамиша омад ва зафарлар ёр бўлишини Яратгандан тилаб қоламиз.

Шавкат ЕКУБОВ.


Тақдимот ҚИЗГИН ЎТДИ

Яқинда Республика таълим марказида ўзига хос тақдимот маросими ўтказилди.

Фан ва маданият арбоблари, халқ таълими соҳаси ҳодимлари, олимлар ҳамда ўзбек тили тарғиботиға иштиёқманд кишилар йиғилган ўшбу анжуманда янги тузилган ўзбек тили маркази, хорижликлар учун ўзбек тили дарслиғи, Давлат тили ўқитувчилари республика уюшмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Йиғилганларда, айниқса республикамизда фаолият кўрсатётган турли элчионаларнинг ҳодимларида танқил педагог-олимлар Ю. Азизхонова ва Р. Топилова таъйрлаган «Ўзбек тили. Чет элликлар учун амалий курс» қўлланмаси катта қизқиқч ёғотди. Ўшбу китоб ўзбек тили маркази фаолиятининг дастлабки самарали маҳсули бўлиб, тилимчани ўрганишға ҳавасманд хорижликлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари И. Саиджонов, «Тил ва адабиёт таълими» журналы бош муҳаррири, профессор Р. Топилова, Корея маданияти маркази ҳодими Т. Ким, 279-гимназия ўқитувчиси Т. Острецова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги А. Даулетовлар сўзға чиқиб, ўшбу таълимий вазибалари ва аҳамияти, ўзбек тилини ўқитишдаги вазибалар, қадрлар таъйрлаш миллий дастурдан келиб чиқиб, ҳозирги кунда ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш, шунингдек янги қўлланманинг мавжуд қўлланмалардан фарқи ҳамда роли тўғрисида гапирдилар.

Гулнора ҲАМИДОВА.



Ўтган шанба куни ҳаво бирмунча совуқ, самони булут қоплаган бўлса-да, Алишер Навоий номи миллий боғнинг атрофи Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун умумшаҳар оммавий саломатлик югуришида қатнашиш истагида бўлган ҳамшаҳарларимиз билан гавжум бўлди. Шу куни бокка шахримизнинг барча ўн битта туманидан жуда кўплаб ҳақиқий югуриш ишқибозлари ташриф буюрдик, бу албатта қувонарли ҳолидир.

Ушбу улкан спорт ва саломатлик байрами бошланиши олдида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнзаров унинг барча иштирокчиларини табриклаган ҳолда саломатлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи бундай тadbирларнинг ташкил этилиши нақадар муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Зеро, соғлом кишилар — ҳар қандай давлатнинг тараққиёти гаровидир. Шу сабабдан, айниқса соғлом авлод йилида жажжиларимизга ёшли-гиланоқ спортга ҳавас уйғотиш жуда муҳимдир.

Фикримизнинг далили сифатида дастлаб 30 метрга югуриш учун-стартга тadbирнинг энг ёш қатнашчилари — 6 ва 7 ёшли жажжилар чи-



БОШ СОВРИН — ЧИЛОНЗОРЛИКЛАРДА

қишди. Ва қатнашчилар жуда ёш бўлишларига қарамай улар ўртасидаги баҳс қизиқarli кечди. Ёш спортчилар югуриш йўлагига галабага бўлган катта интилишларини кўрсатдилар, сўнг эса ўз ўртоқларини фаол қўллаб-қувватладилар. Жажжи қизлар ўртасида 30 метр масофани 8,5 сонияда босиб ўтган Яккасарой туманидаги

300-болалар боғчаси тарбияланувчиси Жения Трасунова, ўғил болалар орасида эса Қодир Илҳомов (Шайхонтоҳур тумани) голиб чиқди. Бироқ, муҳими галаба ҳам эмас, ушбу болалар эндиликда бундай югуриш мусобақаларида мунтазам равишда қатнашадилар ва бир умр спортга ошно бўладилар. Сўнг стартга ярим

олимпия милясида беллашиш учун фахрийлар чиқишди ва улар ўз иштирокларини Хотира ва Қадрлаш кунига бағишладилар. Ёшлари улуг бўлишига қарамай фахрийлар ҳам галаба учун қизгин кураш олиб боришди ва аёллар ўртасида Бектемир туманилик М. Халилова ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига қўта-

рилди. Эркалар ўртасида эса ўз жамоадолари — Н. Татаринов ва И. Митякинларни ортда қолдирган Н. Рудченко голиб чиқди.

— Салкам саксон баҳорини қаршиладим, — дейди Николай Рудченко, — бироқ ўзимни тетик ва бардам ҳис қиламан. Югуриш, бу — саломатлик, куч ва соғлом турмуш тарзи. Шу сабабдан мен югуриш мавжуд бўлган барча спорт байрамларида қатнашаман. Фикримча, мусобақа қатнашчиларининг барчаси голибдир, зеро бош галаба, энг юқори натижа — саломатликка ҳамма эришди.

Дарҳақиқат, саломатлик югуришида қатнашган барча беш минг иштирокчи ҳам шундай ўй-фикрда беллашганини барчанинг юзидаги шодлик яққол исботлаб турибди. Айниқса, 11-13 ёшли болалар ўртасидаги баҳс жуда оммавий тарзда ва муросасиз кечди. Унда Миробод тумани терма жамоаси таркибидан

ўрин олган Д. Мамудитнов ҳамма рақибларидан устун келди.

Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун олға интилувчи болаларни қанчалик ғайрат ва илҳом билан мусобақаларда қатнашадиганини кўриб ушбу спорт тadbирининг ташкилотчилари ўз олдларига қўйган бош мақсад — аҳолини саломатлаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга тўла эришганликларига шубҳамиз қолмади.

— Ўтган йили, — дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг раиси Суҳбат ака Обидов, — иштирокчилар сони деярли икки баробар кам бўлганди. Йил сайин соғлом турмуш тарзини ҳаётга татбиқ этувчиларнинг кўпайиб бориши эса барчамизни қувонтирмай қўймайди.

Шундай қилиб барча ўн битта ёш тоифалари бўйича беллашувлар қизиган-дан қизиб бориб мусобақа етакчилари бирин-кетин аниқлана бошланди. Якуний натижалар сарҳисоб қилинганда эса мусобақаларда Чилонзор тумани терма жамоаси 669 очко тўплаган ҳолда биринчи ўринни эгаллади. Миробод тумани югурувчилари 339 очко билан иккинчи, Акмал Икромовликлар эса 229 очко жамғариб учинчи ўринларни эгалладилар.

Саломатлик югуришининг юқорида тилга олинган энг кучли уч жамоасига шаҳар ҳокими томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди. Қолган голиблар ҳам ташкилотчилар томонидан махсус совринлар ва дипломлар билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: шаҳар оммавий саломатлик югуришидан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

КЎНГИЛЛАР ШОДЛАНДИ

Бектемир тумани ҳокимлиги, «Нуроний», «Қамолот», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари ҳамда барча ташкилот раҳбарлари иштирокида Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон урушида қатнашганларга бағишланган тadbирда фашизм устидан қозонилган галаба шарафига «Сувчи» лаҳзасида ўрнатилган ёдгорлик пойга гулчамбарлар қўйилди.

Бир зумгина ҳукм сурган жимликда салкам бир ярим минг кун давом этган жангу жадал суронлари, тўқилган қонлару жувонар кетган ота-боболар эсланди. Худди 55 йил олдингидек уруш фахрийлари бир-бирларини бағрига босиб Хотира ва Қадрлаш кунини юрак-юракдан муборакбод этишди.

Сўнгра тумандаги ташкилотлар томонидан ажратилган махсус автобусларда «Роҳат» кўлида жойлашган «Гольфклуб»га йўл олишди. Мулоқоту хотираларга бой бўлган сайрдан сўнг меҳмонларни «Гольфклуб»-

нинг шинамга ресторанида ташкил қилинган бир пиёла чойга тақдир қилишди. Уруш ва меҳнат фахрийларини «Гольфклуб» директори жаноб Кон И Со Хотира ва Қадрлаш кунини билан чин дилдан қутлади. Республика «Қамолот» жамғармаси раиси Хотам Абдураимов эса дил сўзлари билан бирга совғалар ҳам топширди. Бундан ташқари тумандаги ҳар бир уруш қатнашчисига 5000 сўмдан пул, 2000 сўмдан қимматбаҳо соға, турфа ранг гуллар тақдим этилди.

Темур ҚУРБОН.

ФАХРИЙЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан «Истиклол» қаҳвахонасида Шайхонтоҳур тумани маҳаллаларидан йиғилган 500 га яқин уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида байрам тadbiri бўлиб ўтди.

Ушбу тadbирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарид Абдурахимова, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Мирқамол Одиллов ва «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими раиси Мустафо Усмоновлар фахрийлари Хотира ва Қадрлаш кунини билан қўллаб, ҳар бир оилага тинчлик, хотиржамлик тиладилар. Шундан сўнг «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари томонидан тайёрланган совғалар фахрийларга тантанали равишда топширилди. Туман маданият уйи санъаткорлари ўзларининг дилрабо кўй-қўшиқлари билан йиғилганларни ҳушнуд этишди. Тadbир ниҳоясида эса фахрийлар учун дастурхон тuzалиб, миллий таомимиз ош тортилди.

Ҳамидулла ЙЎЛДШОВ, меҳнат фахрийси.

ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

Пойтахтимиздаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг мрамторшдан бюсти ўрнатилди.

— Бюстини тайёрлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдумўмин ака Бойматовга ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Туркман Эшонга, узоқ Нуротадан қалбини яқин қилиб олиб келган ҳайдовчи Шарифжон укаимизга ва бу ишга бош қўшган Рустам Тошўлатовга мактаб-интернат жамоаси номидан чекиз миннатдорчилигини билдирмади, — дейди 106-мактаб-интернат директори Саидхўда Обидов.

Мазкур билим даргоҳида узоқ йиллар ишлаб кетган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳожамакбар Ҳўжаев, халқ таълими алоқчилари Рўзимат Нуруллаев, Михаил Шаронов, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Рашид Каюмов ва бошқа бир неча устоз-мураббий ва тарбиячиларнинг номи ёдга олинди. Тadbирда кекса мураббий Саид Музафаров, шаҳар халқ таълими бошқармаси ходими Шоида Аҳмедова, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирок этишди. Унда ўқувчилар томонидан шеърлар ўқилди, кўй-қўшиқлар янгради.

Неъматулла МУҲАМЕДОВ.

ОТЧОПАРДА СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкент отчопарида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган катта спорт байрами бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг миллий спорт турлари маркази ташаббуси билан ўтказилган байрам тadbiri — отлар пойгаси мавсумининг очилишига ҳамроҳ бўлди.

Отчопарга йиғилган кўп сонли ишқибозлар улук, қиз

қувди, аравачали от, чавандозлар пойгаларини мориқиб томоша қилишди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти томонидан тайёрланган радиобошқарувли самолётлар учини, автомобиллар пойгаси тadbирга узгача файз бағишлади. Байрам сўнггида республикамиз спорт фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Даврон ИСМАТОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

● Тошкент шаҳридаги 123-мактаб томонидан 1994 йилда Фахриддин Жамалович Аҳмедов номига берилган 541218-рақамли гувоҳнома йўқолганиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

● Тошкент шаҳридаги 8-мактаб томонидан 1993 йилда Фазилат Уктамонова Султанова номига берилган 305006-рақамли шаходатнома йўқолганиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар кинотеатрлар жамоалари Тошкент шаҳар «Киновидео» акционерлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Маҳмадхон Маҳмудович Рўзиевга волидаи муҳтарамлари

Нисахон ая ГАЗИХАДЖАЕВАНING

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Алишер Навоий номи Санъат саройи жамоаси Тошкент шаҳар «Киновидео» акционерлик жамияти раисининг ўринбосари Маҳмадхон Маҳмудович Рўзиевга онаси

Нисахон ая ГАЗИХАДЖАЕВАНING

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар «KINOVIDEOSERVIS» мувофиқлаштириш маркази Тошкент шаҳар «Киновидео» акционерлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Маҳмадхон Маҳмудович Рўзиевга волидаи муҳтарамлари

Нисахон ая ГАЗИХАДЖАЕВАНING

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (312) 133-29-09.

Душанба, chorshanba ва жума
кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қозғо бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почта-тига»
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.